

**ПЕНСИЯ ЁШИНИНГ ОШИРИЛИШИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
ОҚИБАТЛАРИ**

Rahmonov Bekzod Ravshanovich

O'zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi magistir tinglovchisi

tel: 91 964-75-82;

e-mail: begzod201@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада давлат Пенсия таъминоти тизими ва пенсия тайинлашда ёшнинг ўзгариши ва унинг оқибатлар ўрганилган. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тизимини ривожлантиришда бугунги кунда илмий асосланган статистик кўрсаткичлар яъни демографик юклама, пенсия тўловига давлат харажатлари, пенсия тизимининг самарадорлиги тушунчаларига таянган ҳолда Чет элдаги пенсия ёшнинг Республикамиздаги пенсия ёшига нисбатан фарқлари ва уларнинг ҳозирги замонга мослаштиришнинг илмий асослари урганилган.

Таянч сўз ва иборалар: пенсия таъминоти, пенсия тизими, нодавлат пенсия фондлари, ижтимоий ҳимоя, мажбурий пенсия таъминоти, ихтиёрий пенсия таъминоти, касбий пенсия, ижтимоий суғурта тўловлари.

**ПОВЫШЕНИЕ ПЕНСИОННОГО ВОЗРАСТА И ЕГО СОЦИАЛЬНО-
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПОСЛЕДСТВИЯ**

Аннотация: В данной статье рассматривается государственная пенсионная система, изменения пенсионного возраста и их последствия. При разработке внебюджетной пенсионной системы изучены различия пенсионного возраста за рубежом и пенсионного возраста в нашей республике и научные основы их адаптации к настоящему времени, опираясь на концепции демографической нагрузки, государственных расходов на пенсионные выплаты и эффективность пенсионной системы.

Ключевые слова: пенсионное обеспечение, пенсионная система, негосударственные пенсионные фонды, социальная защита, обязательное пенсионное обеспечение, добровольное пенсионное обеспечение, профессиональная пенсия, выплаты социального страхования

**INCREASING THE RETIREMENT AGE AND ITS SOCIO-ECONOMIC
CONSEQUENCES**

Abstract: This article examines the state pension system and the change in the age of retirement and its consequences. In the development of the off-budget Pension Fund system, the differences between the pension age abroad and the retirement age in our Republic and the scientific basis of their adaptation to the present time have been studied, relying on the concepts of demographic load, state expenditure on pension payments, and the efficiency of the pension system.

Keywords: pension provision, pension system, non-state pension funds, social protection, mandatory pension provision, voluntary pension provision, occupational pension, social insurance payments.

Пенсия ёши давлат ижтимоий хавфсизлик тизимининг марказий элементларидан биридир. Хар бир давлатда пенсия тизими аҳоли учун ижтимоий хавфсизликни таъминлаш, уларга

қариялик даврида моддий қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида қурилади. Бирок, сўнги йилларда кўплаб давлатлар пенсия ёшини ошириши муҳокама қилмоқда. Бу узгаришлар демографик, иқтисодий ва сиёсий шароитларнинг ўзгариши билан боғлиқ.

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 1-моддасида “Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади” – дейилган.

46-моддасида “Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга.

Қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас” – деб айтилган.

Шундан ҳам қуришимиз мумкинки Республикамизда ижтимоий ҳимояга, шу жумладан Пенсия таъминотиغا эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳукуматнинг ижтимоий соҳага оид фаолиятига қуйидаги фикрларни билдирган: “Ёши улуғ инсонлар, катта авлод вакилларига эътибор ва амалий ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш бундан буён ҳам Президент учун, Ҳукуматимиз ва барча ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади. Шу мақсадда пенсионерлар, ёлғиз қария ва ногиронларга давлат кўмагини кучайтириш бўйича айна пайтда кенг қамровли чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва улар сўзсиз амалга оширилади” (Мирзиёев, 2017), деганлари Ўзбекистонда пенсия тизимига қаратилаётган юксак эътибордир. Пенсия ёши давлат ижтимоий хавфсизлик тизимининг марказий элементларидан биридир. Хар бир давлатда пенсия тизими аҳоли учун ижтимоий хавфсизликни таъминлаш, уларга қариялик даврида моддий қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида қурилади. Бирок, сўнги йилларда кўплаб давлатлар пенсия ёшини оширишни муҳокама қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқи

Эркалар — 60 ёшга тўлганида ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда;

Аёллар — 55 ёшга тўлганида ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда пенсияга чиқиши белгиланган.

Хозирги кунда МДХ давлатларида пенсия ёшини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

№	Давлат Номи	Пенсия ёши	
		Эркак	Аёл
1	Қозоғистон	63	58.5
2	Қирғизистон	63	58
3	Тожикистон	63	58
4	Туркменистон	62	57

5	Россия	65	60
---	--------	----	----

МДХдан бошқа давлатларда пенсия ёши кўйидагича:

№	Давлат номи	Пенсия ёши	
		Эркак	Аёл
1	Франсия	62	62
2	Германия	65	65
3	Англия	66	66
4	Япония	65	65
5	Жанубий Кория	65	65
6	Ҳиндистон	60	60

Кўришиб турибдики, МДХ давлатлари ва бошқа чет давлатлардаги пенсия ёши Республикамиздаги ёшга нисбатан юқори эканлигини курсатмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг демографик ўзгариши, иқтисодийнинг ривожланиши сари аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиши натижасида уларнинг ўртача умр кўриш ёшининг ошиб бораётганлиги ва меҳнат фаолияти билан банд бўлган аҳолига нисбатан пенсионерлар улушининг ошиб бораётганлиги натижасида Пенсия фондларини молиявий таъминлашда юзага келаётган муаммолар юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат Пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунинг 1993 йил 03 сентябрда қабул қилинган ва 1994 йил 01 июлдан бошлаб кучга кирган. 1994 йилда Ўзбекистонда уртача умр кўришнинг давомийлиги 67 ёшни ташкил этган, 1995 йилда эса 67,9 ёшни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасида 2025 йил 01 йил ҳолатига аёлларнинг уртача умр кўриш давомийлиги 76,9 ёшни, эркакларники 72,5 ёшни ташкил этмоқда.



Ҳозирги кунда Республикамизда пенсия тизмини ислоҳ қилиш, унинг самарадорлиги, адолатлилиги ва барқарорлигини ошириш бу мамлакатимиз олдида турган энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги қабул қилинганда аҳолининг уртача умр куриш даражаси ҳозирги кундагидан анча кам бўлганлигини куришимиз мумкин. Уларни бартараф этиш пенсия тизimini ислоҳ қилиш орқали амалга оширилади.

Адабиётлар шарҳи.

Пенсия таъминоти тизимини ижтимоий нуқтаи назардан оладиган бўлсак, кишиларни қариликда етарли турмуш кечиришларини таъминлайдиган моддий таъминот сифатида кўришимиз мумкин, иқтисодий нуқтаи назардан унинг мамлакатнинг иқтисодий юксалишига бевосита таъсир кўрсатувчи муҳим бўғинлардан бири сифатида ҳам олишимиз мумкин бўлади. Шунинг учун мазкур соҳада тадқиқотчилар, олимлар, фан доктори унвонига эга бўлган жаҳоннинг кўблаб шахслари илмий изланишлар олиб борган ва тадқиқотлар турли ҳудудларда олиб борилганлиги сабабли, турлича хулосаларга келинган. Натижада улар пенсия тизимлари шакллари ва уларнинг истиқболда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда энг муҳим бўлган пенсия тизимлари турлари тўғрисида турлича изоҳлар берган.

Томас Малтуснинг таъкидлашича Аҳолининг усиши ва ресурслар уртасидаги муносабатларни тартибга узаро тартибга солишнинг илмий асослайди.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур мавзунини ёритишда таҳлил, индукция, дедукция, тизимли ва комплексли ёндашув усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Пенсия ёши пенсия тизимининг асосий функцияларидан биридир, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатлари ва устувор стратегик вазифалари доирасига киради. Зеро, пенсия ёшини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш, мамлакатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Пенсия ёшини ислоҳ қилишда, аввало унга биринчи навбатда таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш керак:

1) Ижтимоий омиллар – Ҳозирги кунда куплаб мамлакатларда ҳаёт давомийлиги ошмоқда, туғилиш даражаси эса пасаймоқда. Натижада пенсия олувчилар сони ортиб, ишловчи аҳоли сони камайиб бормоқда. Бу эса пенсия жамғармасига кўшимча босим юклайди.

Пенсия ёшининг ошириш жамиятда норозилик кайфиятини келтириб чиқариши мумкин, айниқса, оғир меҳнат шароитида ишлайдиганлар орасида;

Катта ёшдаги ишчилар соғлиги буйича муаммолар сабабли иш фаолиятида самарадорлигини йўқотиши мумкин;

Катта ёшдаги ишчиларнинг ишлаши муддати узайиши ёш авлод учун иш уринлари етишмовчилигини келтириб чиқариши мумкин;

2) Иқтисодий омиллар – пенсия ёшини ошириш пенсия жамғармаларини танқислигини камайтиради ва давлат бюджетига юкни енгиллаштиради.

№	Yillar	Pensiya jamg'armasi Daromadlar, trln so'm	Pensiya jamg'armasiga transfertlar, trln so'm	Xarajatlar, trln so'm
1	2017	17,7	0	16,2
2	2018	24,1	0	20,5
3	2019	24,3	0	26,2
4	2020	29,7	9,1	31,8
5	2021	37,3	10,7	36,6
6	2022	44,3	11,1	44,9
7	2023	39,8	13,8	53,6


THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-6, ISSUE-2

8	2024	47,3	16,3	64,1
9	2025	56,5	20,2	76,7

2017 йилдан 2025 йилгача пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларни таҳлил қилганимизда 2017 йилда пенсия жамғармаси узининг харажатлари учун бюджетдан трансферт олмаган, 2020 йилдан бошлаб пенсия жамғармаси узининг харажатларини қоплаш учун бюджетдан трансферт олиб келаётганлиги маълум.

Мехнатга лаёқатли аҳолининг ишлаш муддати узайиб, иқтисодий фаоллик сақланиб қолади; Иш фаолиятининг узоқ давом этиши ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш ва шахсий ривожланиш учун имконият яратади;




3) Демографик омиллар – жамиятнинг пенсия ҳимоясига талаб-эҳтиёжини ўзида акс эттириб, пенсия тизимининг мақбул сифат ва миқдорий тафсилотларини белгилашда муҳим мўлжал, йўналтирувчи маёқ ҳисобланади.

Демографик омилларга бошқа кўрсаткичлар қатори аҳолининг ёш бўйича таркиби, жамиятда пенсионерлар сонининг улуши, аҳолининг ўсиш даражаси, иш билан банд аҳоли ва пенсионерлар сони нисбати ва шу кабилардир.

2026 йил 1 февраль ҳолатига



Пенсия олувчилар умумий сони
4 295,2 минг нафарни ташкил қилмоқда.



Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон Республикаси пенсия ёшини ошириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, уни ҳал этиш учун кенг қамровли ёндашув талаб этилади. Демографик ўзгаришлар ва иқтисодий омиллар бу қарорни қонуний қилиш учун асос бўлсада, ижтимоий адолат ва аҳолининг манфаатларини ҳисобга олиш муҳимдир.

1. Катта ёшли ишчилар учун қулай шароитларни яратиш, уларнинг соғлигини ва меҳнатга лаёқатлилигини қўллаб-қувватлаш.
2. Пенсия тизимини диверсификация қилиш, масалан хусусий пенсия жамғармаларини ривожлантириш орқали бюджетга бўлган босимни камайтириш мумкин.
3. Пенсия ёшини ошириш бўйича қарор қабул қилишда жамият фикрини ҳисобга олиш ва ишончли тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. - Т. Ўзбекистон. 2017 йил 14-январ.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
4. “Халқ сўзи” газетаси.
5. Kup.uz. сайти
6. IMV Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси расмий сайти.
7. Beknazarov, Z., & Rustamov, D. (2021). A review of existing pension services in developed and developing countries. In E3S Web of Conferences (Vol. 258). EDP Sciences.
8. Tursunov, J. and Ametova, F. (2019) "THE REFORM OF PENSION PROVISION SYSTEM IN UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 28. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss2/28>